Ушбу сонда:

2 ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

3 *Эҳтиром* ТОНГЛАРИНГИЗ КУЛСИН ДОРИЛОМОН, ҲУР

4 *Бўш вақт -хуш вақт* ЁТОҚХОНАДА КАСАНАЧИЛИК

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 1 март, чоршанба № 35 (2084)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ҲОМИЙЛАР ҲИММАТИ

Кам таъминланган оилаларга ҳомийлар томонидан чорва моллари, парранда етказиб бериш ва бошқа турдаги моддий ёрдам кўрсатишга қаратилган вилоят дастурини амалга оширишда барча корхона ва ташкилотлар фаол иштирок этмоқда.

Шаҳрисабз туманидаги «Дон - халқ ризқи» ҳиссадорлик жамияти, «Шаҳринтернейшнл», «Гўшт», «35-автокорхона» масъулияти чекланган жамиятлари, «Чорсу» деҳқон бозори, Шаҳрисабз педагогика коллежи ҳамда туман давлат солиқ инспекцияси ўнлаб ана шундай оилаларга қорамол олиб берди.

Бу хайрли ишга хусусий секторда фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва фирмалар ҳам ҳисса қўшмоқда. Яккабоғлик тадбиркор Тўлқин Каримов Эски Яккабоғ шаҳарчасида яшаётган беш оилани ўз ҳомийлигига олди. Унинг кўмагида мазкур хонадонларда паррандалар кўпайтирилмоқда.

Етакчи минбари

АМАЛИЙ НАТИЖА ТАЪСИРЧАНЛИК ОМИЛИ

Ишламаганларгина хато қилмайди ва муаммоларга дуч келмайди. Касаба уюшмалари фаолиятининг мазмуни эса меҳнаткашлар манфаатларига дахлдор масалаларга ижобий ечим топишдан иборатдир. Ташкилотнинг мавқеи ҳам айнан мана шу борадаги амалий натижалар билан белгиланади.

Меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан биринчи даражали вазифа талаб даражасидаги иш шароитини яратиш, хавфсизликни таъминлашдир. Зеро, Меҳнат Кодексида ҳам корхонанинг иш фаолиятига нисбатан ходимнинг соғлиғи ва ҳаёти устуворлиги ёзиб қўйилган. Меҳнат муҳофазаси иш жараёнида ходимнинг қобилиятини, соғлиғини таъминлашга йўналтирилган ташкилий, техникавий, гигиеник тадбирлардан иборатдир. Таълим тизимида бу тадбирлар ўзига хос хусусиятга эга. Дарс жараёнларида эндиликда замонавий электрон ускуналар, ўқув дастгоҳлари қўлланилмоқда. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг соғлиги, хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифа. Бинобарин, меҳнат муҳофазаси тадбирларининг аҳамияти янада ортмоқда.

Ўтган йили туманда янги мактаб бинолари қурилиши, ўнлаб мактабларда капитал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилганлиги эвазига иш шароитлари сезиларли даражада яхшиланди. Таъмирлаш бўйича Давлат дастурига кирмаган мактабларда туман ва халқ таълими бўлими касаба уюшма тармоқ кенгашининг қарорига мувофиқ имкон даражасида тадбирлар амалга оширилди. Аммо кўзланган мақсадга тўла эришилгани йўқ. Чунки айрим таълим муассасаларининг раҳбарлари бу масалада эътиборсизлик қилишмоқда. Ходимларни хавфсизлик техникаси бўйича ўқитмаслик, синфлар ва ўқув устахоналарида ёруғлик етишмаслиги, электр асбоблари ва симлар қаровсиз қолдирилиши энг кўп учрайдиган нуқсонлардир. Бу камчиликларни бартараф этиш учун меҳнат муҳофазаси соҳасида жамоатчилик назоратини кучайтириш чоралари кўрилмоқда. Бундай тадбир дастлабки ижобий ўзгаришларга олиб келди. Таълим муассасалари қайта назоратдан ўтказилганда, илгари қайд этилган камчиликлар учрамади.

Ҳар бир ходим касаба уюшмаларининг ғамхўрлигини бевосита ҳис қилгандагина, ишончи янада мустаҳкамланади. Бунга эришиш учун касаба уюшма ташкилоти ва фаоллари барча муаммолардан ўз вақтида хабардор бўлиши ва ечимига кўмаклашиши керак. Масалан, ўтган йили баъзи сабаблар билан ўқитувчиларнинг ёзги таътил пулларини, касаллик варақалари бўйича нафақаларини тўлаш кечикди. Биз бу масалада туман ҳокимига, ХТБга расман мурожаат қилдик ҳамда масала ечими бўйича таклифларимизни баён қилдик. Натижада кўп ўтмай, барча қарздорлик бартараф этилди.

Туман касаба уюшма кенгашининг саъй-ҳаракати билан ўтган йили тармоқда меҳнат қилаётган ходимларга, ногиронларга, кам таъминланганларга, нафақахўрларга жами 4 миллион сўмликка яқин моддий ёрдам берилди. Бир йил мобайнида 59 нафар ходимни сиҳатгоҳларда дам олдиришга эришилди. Тармоқ ходимларининг 40 нафар фарзанди ёзги оромгоҳда, 300 нафари кундузги оромгоҳда соғломлаштирилди. Оммавий спорт тадбирларининг кўплаб ўтказилиши ҳам ўқитувчиларнинг жисмоний бардамлиги ва иш қобилияти ошишига имкон бермоқда.

Ходимлар касаба уюшмаларига ўзларига дахлдор бирор масалага ечим топиш, ёрдам олиш илинжида катта умид билан мурожаат қилади. Ана шу пайтда уларга амалий ёрдам ва қонуний тўғри маслаҳат бериш керак. Ташкилот мавқеини мустаҳкамлашнинг муҳим бир омили мана шундадир. Ўтган йили туман кенгашига 136 киши турли масалаларда мурожаат қилди. Кўтарилган масалаларни тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал эта олдик.

С.ИСАЕВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Пастдарғом туман кенгаши раиси

ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ ЙЎЛЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Тошкентдаги Марказий Офицерлар уйида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, ҳарбий округлар, қўшинларни моддий- техник таъминоти хизматларининг қўмондонлик ва раҳбар ходимлари иштирокида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим» маърузасида белгилаб берилган талаблардан келиб чиқиб, давлатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасидаги вазифалари» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари У.Розиқулов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ўзгаришларнинг асосий йўналишлари ҳақида тўхталди, халқимиз эришаётган улкан ютуқлар ҳақида маълумот берди, йиғилганлар эътиборини жорий йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва устувор-ликларига қаратди.

Семинар кун тартибидаги масалалар муҳокамаси чоғида таъкидландики, эришилган макроиқтисодий кўрсаткичлар - бозор ислоҳотлари ва мамлакатни модернизация қилиш борасида пухта ўйланган модел ва узоқ муддатга мўлжалланган дастурни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича олиб борилаётган тизимли, изчил ва қатъий ишлар самарасидир.

Мамлакатимиз қўлга киритаётган иқтисодиёт соҳасидаги ютуқлар Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг ижтимоий масалаларини ҳал этишда ҳам ўз амалий ифодасини топмоқда. Жумладан, 2005 йил 1 январдан бошлаб ҳарбий хизматчиларнинг суткалик озиқ-овқат рациони қуввати 3800 килокалориядан 4500 килокалориягача кўпайтирилди. Ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминоти ўртача 35 фоизга ошди, муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари захирага бўшатилаётганда бериладиган пул миқдори энг кам иш ҳақининг 8 баробаридан 16 баробаригача кўпайтирилди. Қўшинларда ҳарбий хизматчиларнинг уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш, казарма фондини модернизация қилиш, ҳарбий қисмларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қўшинларни бошқариш ва ўқитиш тизимига замонавий ахборот компьютер технологияларини кенг жорий этиш бўйича ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бугун бизнинг армиямиз сўзда эмас, амалда жамиятнинг ғамхўрлигини ҳис этмоқда.

Семинар иштирокчилари ўз чиқишларида мамлакатимиз Президенти томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни батафсил ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш зарурлигига эътибор қаратдилар.

Жумладан, давлат томонидан Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни таъминлаш учун ажратилаётган моддий ва пул ресурсларидан оқилона фойдаланиш, моддий ва энергетика ресурсларини тежаб-тергаб ишлатишга эришиш, ҳарбий хизматчиларни барча зарур нарсалар билан таъминлаш, улар учун замонавий ижтимоий-маиший шароит яратиш бўйича ҳарбий бошқарув органлари олдида турган вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши борасидаги долзарб масалалар муҳокама этилди.

Мудофаа вазири Р.Мирзаев семинарда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралда ўтказилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган давлатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича аниқ вазифалар ҳақида тўхталар экан, ҳарбий хизматчилар, армиямизнинг қўмондонлик ва раҳбарлик таркиби олдида қуйидаги устувор вазифалар турганини таъкидлади:

биринчидан, Ватан ҳимоячиларининг асосий вазифаси тезкорлик, қўмондонлик ва жанговар тайёргарлик самарадорлигини янада ошириш, шахсий таркибнинг касб кўникмаларини такомиллаштириш, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, юртимизда тинчлик ва осудаликни, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тинч бунёдкорлик меҳнатини ҳимоялаш, бўлинмалар, қўшилмалар ва бирлашмаларнинг доимий ҳарбий жанговар шайлигини таъминлаш;

иккинчидан, Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва барча зарур нарсалар билан таъминлаш учун ажратилаётган бюджет маблағлари - бу Ўзбекистон халқининг, шу жумладан, қайси соҳада фаолият кўрсатмасин, ҳарбий хизматчиларнинг ота- оналари, акаукалари ва опа-сингиллари амалга ошираётган бунёдкорлик меҳнати натижаларининг моддий ифодаси эканлигини чуқур англаб етиш;

учинчидан, ажратилаётган моддий ва энергетика ресурсларига тежамкор, оқилона муносабатда бўлиш орқали мамлакатимизда ва Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, қўшинларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар учун муносиб шарт-шароит яратишга ҳар томонлама кўмаклашиш.

Семинарда «Моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишни таъминлаш - давлатимиз иқтисодий қудрати ва мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлашга, Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига бизнинг кўшган ҳиссамиздир» шиори остида ҳарбий қисмлар ўртасида мусобақа ташкил этишга қарор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Матбуот хизмати

СИФАТЛИ АЛОҚА

Яқинда Бешариқ тумани аҳолиси ўзига хос қулайликка эга бўлди. Бу ерда Хитойнинг "Хуавей технолоджис" компанияси билан ҳамкорликда 10 минг мижозга хизмат кўрсатадиган янги телефон тармоғи ишга туширилди. Янги алоқа тизимининг ишга туширилиши билан эндиликда вилоятнинг истаган туман ва шаҳарларига тўғридан- тўғри уланиш имконияти пайдо бўлди. Ушбу рақамли электрон телефон автомат тармоғининг ўзига хос жиҳати шундаки, бу ерда мижозлар тўлови илгаригига қараганда бирмунча арзон.

— Янги телефон алоқа боғламаси иш сифатининг юқорилиги билан аҳолида ажралиб туради,—дейди "Фарғона телеком" Бешариқ электрон алоқа боғламаси бошлиғи Носиржон Деҳқонов.



Суратда: (чапдан) Бешариқ электрон алоқа боғламаси муҳандислари Носиржон Худойбердиев ва Солижон Худойбердиев.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат

КЎЧАТ ЭК, БОҒ ЯРАТ

Бу йил сирдарёликлар ҳар бир туман ва шаҳарда «Ҳомийлар ва шифокорлар» боғини бунёд этиш ташаббуси билан чиқдилар. Ташаббус маъқулланиб, вилоят дастурига киритилди. Айни дамда вилоят фермерлари ушбу хайрли ишга киришдилар.

Дастурга асосан ҳар бир туман ва шаҳар ҳудудидан боғ яратиш учун махсус ер ажратилиб, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилмоқда. Яратилаётган боғлар одамлар дам оладиган, кўнгил ёзадиган масканларга айланади.

Бошланғичга кўп нарса боғлиқ

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ тўлақонли бўлсин

Инсонларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилган ташкилотгина улар эътиборини қозонади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV Курултойида иқтисодий соҳалардаги ўзгаришларга тезкор мослашиш, касаба уюшмалари фаолиятини ислоҳ қилиш ва ўзгаришларни амалга оширишда босқичма-босқичликка риоя этиш асосий вазифалардан бири эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон автомобил, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг Андижон ва Фарғона вилоятлари вакилликларида Курултой қарорлари ҳаётда ўз аксини топиши учун барча имкониятлар ишга солиняпти. Айни вақтда Андижон вилоятида 47 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Аъзоларнинг сони 5 минг 236 нафарни ташкил этади. Фарғона вилоятида эса 54 та бошланғич ташкилот атрофида 7 минг 784 нафар аъзо бирлашган.

Кейинги вақтда ҳар икки вилоят вакиллигида ишчи-хизматчилар меҳнатини муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бунинг учун ўтган йили Андижон вилоят вакиллиги бўйича 55 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Худди шу мақсадлар учун Фарғона вилоятида 20 миллион сўмлик тадбирлар амалга оширилди.

Шунингдек, тармоқ касаба уюшма Марказий кенгаши юқорида номлари тилга олиб ўтилган вакилликларни "Меҳнатни муҳофаза қилиш", "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги", "Электр ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш", "Маънавият ва маърифат хоналарини ташкил этиш бўйича тавсиялар" тўғрисидаги йўриқномалар билан муттасил равишда таъминлаб келмоқда. Фарғона вилоятида жамоатчилик асосида меҳнат муҳофазаси назоратини энг яхши ташкил этиш тўғрисида кўрик-танлов ўтказилиб, у айни кунда ҳам давом этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Фаолларимиз

Водийнинг дилбар табиати одамлар қалбига ҳам кўчган десак муболаға бўлмайди. Абдураҳим Шукуров ана шу юртнинг оддий, заҳматкаш зиёлиларидан бири. Кўп йиллардан бери ёшларни даврмизнинг етук ва олижаноб кишилари қилиб тарбиялашдек улуғ ва эзгу ишда ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиб келмоқда.

ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР

Балиқчи туман халқ таълими бўлимидагилар уни 10 йил бурун касаба уюшма етакчиси қилиб сайлашган. Рости, аввалига у 1-2 йил ишлаб берсам бўлди-да, кейин яна ўқитувчиликка қайтаман, деб ўйлаганди. Касаба уюшма ташкилоти деганлари сиртдан тинч кўринган тезоқар дарё экан. Ҳар қадамда одамлар учун кераклигингни ҳис қилиб яшаркансан, бу ерда. Сенга кимдир моддий ёрдам сўраб мурожаат қилса, кимдир иш берувчи томонидан бузилган ҳақ-ҳуқуқини тиклашни сўрайди, кимдир ҳатто оилавий муаммосини олдингга дастурхон қилиб ёзади.

Хуллас, ҳаммасига улгуришинг, керак бўлганда раҳбарлар билан талашиб-тортишишинг керак. Абдураҳим Шукуров жамоа шартномасида кўрсатилган бирон масаланинг ёки меҳнат низосининг бартараф этилмаётгани юзасидан судга мурожаат қилган эмас. Бунинг сабабини масаланинг мазмун-моҳияти билан тушунтира олишдан излаш керак. Ахир раҳбар ҳам одам. Керак бўлганда унга кўмакдош бўлиш, оғир юкни тортишга ёрдамлашиш лозим. Шунинг учун бўлса керак, ўтган йил давомида касаба уюшмалари кенгашига тушган аризалар ўз вақтида ҳал қилинди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож кам таъминланган оилаларга 370 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 26 нафар ходим санаторий-профилакторийларда дам олдирилди. "Уч соҳил" болалар ёзги оромгоҳида 720 нафар, "Дилором" соғломлаштириш масканида 600 нафар бола қувнаб ҳордиқ чиқарди.

Туман умумтаълим мактабларида ўтказилган Сиҳат-саломатлик тадбири ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Мусобақа ғолиблари қимматбаҳо совғалар ва рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди. 8-мактаб аёллар жамоаси волейбол тури бўйича вилоят босқичида ғолиб деб топилган бўлса, республика касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказилган мусобақаларда 2-ўринни эгаллашди. "Йил ўқитувчиси" кўрик-танловида 34-умумтаълим мактабининг кимё-биология ўқитувчиси Моҳидил Тўраева вилоятда биринчи ўринни эгаллади. У энди республика босқичида Андижон шарафини ҳимоя қилади.

Абдураҳим Шукуров нафақат жамоада, балки ўз маҳалласида ҳам ибратли оила бошлиғи сифатида ҳурматга сазовор. У турмуш ўртоғи, боғча тарбиячиси Дилбархон опа билан 4 нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказишди. Уларнинг ҳар бири олий маълумот олиб, бугунги кунда халқ хўжалигининг турли тармоқларида меҳнат қилишмоқда.

Умр йўлларини қандай босиб ўтиш ўзингга боғлиқ. Муҳими, сарҳисоб дамлари келганда ортингга фахр ва ғурур билан боқиб қўйишга не етсин.

Соҳиба АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИДА ҳаммаси муҳим

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятини кучайтириш, биринчи навбатда мулкдорлар ширкатларини ҳақиқий ўз-ўзини бошқариш муассасаларига айлантириш вазифасини қўйган эдилар.

Қашқадарё вилоятида 90 та уй-жой ширкатлари ташкил этилган. Уларнинг кўпчилиги ишини аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга йўналтириб, маълум даражада тажриба тўплаган.

Давлатхон Раҳимова раислик қилаётган Қарши шаҳридаги "Бинокор" уй-жой мулкдорлар ширкати учинчи митти тумандаги ўнта уйни ўз атрофига бирлаштирган. 328 хонадон уюшган ширкат фаолияти ривожланиб бормоқда. Айланма маблағлар ҳисобидан иккита кўп қаватли уй таъмирланди. Бунинг учун жамоа томонидан 5 миллион 600 минг сўм маблағ ажратилди.

Ширкат ўзининг техника воситаларига эга. Чиқиндилар вақтида ташиб кетилади. Кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш тадбирлари амалга оширилаяпти. Кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва ёлғиз қарияларга моддий ёрдам кўрсатилаяпти. Фаоллардан М. Йўлдошева, Д. Раҳимова ва М. Тўхтаевалар иккинчи жаҳон уруши ногирони Аъзам Муҳамедов ҳолидан хабар олиб, кўнгил сўрадилар. Фахрийларнинг уйлари таъмирланди.

Бироқ Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қайд этиб ўтилганидек, айрим ширкатлар фаолиятини қониқарли деб бўлмайди. Уларнинг аксарияти собиқ ЖЭК ва кооперативлардан деярли фарқ қилмайди.

Уй-жой мулкдорлар эгаларидан йиғилган тушумнинг ўртача 15-20 фоизи иш ҳақига йўналтирилиши назарда тутилгани ҳолда ҳақиқатда 50 фоизгача маблағ иш ҳақига сарфланмоқда. Масалан, Қарши шаҳридаги "Учқудуқ" ширкатида йиғилган 755 минг сўмдан 670 минг сўми, "Нодир" ширкатида эса тўпланган 316,9 минг сўмдан 215 минг сўми ойлик маошларга ишлатилган.

Аҳолини иссиқлик, табиий газ, ичимлик суви билан таъминлаш талаб даражасида эмас. Электр энергиясидаги чеклашлар кишиларнинг кайфиятини тушириб, ариза ва шикоятларни келтириб чиқараяпти. Шаҳрисабз ва Нишон туманларида ташкил этилган уй-жой мулкдорлари ширкатлар раҳбарлари мавжуд камчиликларни бартараф этиш ўрнига кузатувчилик позициясида туришибди.

Вилоят фаолларининг йиғилишида уй-жой ширкатларининг камчиликлари қаттиқ танқид қилинди. Таъкидланганидек, улар уй-жой эгаларининг маблағларини жамлаган ҳолда ягона буюртмачи сифатида иш кўрмаяпти. Баъзи ҳолларда етарли миқдорда маблағ тўплай олмасдан, таъмирлаш, ободонлаштириш билан етарли шуғулланмаяпти. Топган маблағ асоссиз равишда бошқарув ходимлари ва ортиқча штатларни сақлашга сарфланяпти. Олиб борилган жорий ва капитал таъмирлаш ишларининг сифати қониқарсиз.

Табиий ресурслар беҳисоб эмас. Коммунал тўловларини ундириш соҳаси етарли иш олиб борилмаганлиги туфайли электр энергияси бўйича дебитор қарздорлик 5031 миллион сўмга, табиий газдан 1059 миллион сўмга ўсган. Дебитор қарздорликнинг ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириш режалар бажарилмай қолди. Пудратчи ташкилотлар билан буюртмачилар ўртасида қарздорлик юзага келди.

Энергия ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш давр талаби. Талимаржон иссиқлик электр станциясининг биринчи блокининг ишга туширилиши энергия таъминотини янада яхшилаш имкониятини яратди. Бир йилда истеъмолчиларга 4 миллиард 368,2 миллион киловатт-соат электр энергияси етказиб берилди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда тармоқда тежамкор технологиялар жорий қилиниб, ҳар хил исрофгарчиликларнинг олди олинса, вилоят бўйича 1 миллиард киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинар эди.

Ўтказилган текширувлар натижасида 69 та хўжалик юритувчи субъектларда 111 та қоидабузарлик ҳолатлари аниқланган. "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясига қарашли корхоналар, жумладан, "Норуда материаллар", "Қамаши МТП", "Чироқчи МТП" акциядорлик, Қарши нефт базаси, "Қаршисут", "Агрокурилишсервис" масъулияти чекланган жамиятлар раҳбарлари қоидани бузганликлари учун жаримага тортилдилар.

Вилоят электр тармоқлари очиқ акциядорлик жамиятига қарашли 11 та подстанцияда текшириш ўтказилганда, 91 та қоидабузилишлари аниқланди. Энг қизиғи, подстанциялар ўз эҳтиёжига сарфланаётган электр энергияси учун ҳисоблагичлар ўрнатмаган. Улар қайси истеъмолчилар ҳисобидан бу борадаги харажатларни қоплаётган эканлар?

Коммунал уй-жой хўжалиги, газ, электр энергияси, ичимлик суви етказиб берадиган корхоналарда ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмас экан, аҳолининг ҳақли норозиликлари келиб чиқаверади. Мавжуд нуқсонларни бартараф этишга юзаки ёндошаётган раҳбарлар фаолиятига танқидий баҳо берадиган вақт келиб етганлигини асло унутмаслик керак.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV Қурултойи қарорлари – амалда

Фарғона вилояти Қува туман ҳокимлигининг мажлислар залида вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг кўчма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят тармоқ кенгашлари, туман қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, диний-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилар, хўжалик, ташкилот, корхона, муассаса раҳбарлари ва касабақўмлари, ҳуқуқ-тартибот органлари бошлиқлари иштирок этдилар.

Қува тумани

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

ижобий ҳал этилмоғи лозим

Бошқарма ва жамоа ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилган тадбирлар тўғрисида вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Бахтиёржон Дадажонов маъруза қилди. У ўз нутқида, IV қурултой қарорларини амалга татбиқ этиш борасида қасаба уюшмалари олдида турган долзарб вазифаларга атрофлича тўхталиб ўтди.

– Ишсизлик муаммоси борасида мамлакатимиздаги барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан ҳар бир ҳудуднинг ўз йўналиши бўлиши керак, – деди у. Ҳар бир раҳбар хусусийлаштирилган корхонани ишлатишдан аввал, аҳолини иш билан таъминлаш масаласини ижобий ҳал қилмоғи лозим. Бундан ташқари, тугатилаётган ширкатлар қошида ташкил этилаётган фермер хўжаликларида ишловчилар сонини сақлаб қолишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

Тармоқ касаба уюшма ташкилотлари ҳомиладор аёлларни таътилга 7 ойдан эмас, 5 ойда чиқариб, ўртадаги 2 ойлик фарқни хўжаликлар ҳисобидан қоплаш, аёлларнинг иш вақтини қисқартириш, кам таъминланган оилалар фарзандларини бепул соғломлаштириш, хатна тўйларини қилиб бериш каби хайрли ташаббуслар билан чиқдилар.

Йиғилиш қатнашчилари бир неча кун мобайнида тумандаги касаба уюшма ташкилотлари фаолияти билан танишиб, жойларда меҳнаткашларга яратилган шарт-шароитларни ўрганиб чиқдилар. Амалга оширилган ишлар билан бир қаторда айрим муаммолар ҳам мавжудлиги аниқланди. Аҳолини иш билан таъминлаш борасида қилиниши керак бўлган ишлар шулар жумласидандир.

– Хуллас, бизнинг бугунги кундаги фикру ўйимиз ана шу муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлиши керак, – сўзида давом этди Б.Дадажонов. – Бу ишда туман оқсоқоллар кенгаши "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, меҳнат бўлимлари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда меҳнаткашларга кўмак бериш, меҳнат ярмаркаларини ўтказиш, янги ташкил этилган хусусий корхоналарда иш ўринларини кўпайтириш борасида якдиллик билан иш олиб боришимиз зарур бўлади.

Мажлисда кун тартибидаги масалалар юзасидан туман Халқ таълими бўлими мудири Т.Маматов, Соғлиқни сақлаш бўлими раҳбари вазифасини бажарувчи А.Абдураззоқов, Пахтани қайта ишлаш ҳиссадорлик жамияти масъул ходими Э.Исроилов, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси М.Қўлдошева, шунингдек, "Маҳалла" жамғармаси вилоят кенгаши раиси Т.Ҳафизов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Сурайё АГЛАЕВА,
«Ишонч» мухбири

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ

ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Барча жойларда бўлгани каби туманимизда ҳам Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ширкатлар тугатилиб, фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. Бу жараён касаба уюшма ташкилотлари зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки тугатилаётган ширкат аъзоларини тўлиқ сақлаб қолиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш, янги ташкил этилган фермер хўжаликларида касаба уюшма гуруҳларини тузиш керак бўлади.

Ана шундай юмушлар ўтган 2005 йилда тугатилган М.Обидов номли, "Бўстон", "Наврўз", "Дўстлик", "Янги қишлоқ" ширкат хўжаликларида амалга оширилди. Ҳозирги кунда бу иш Абдураззоқов, Улуғбек, Охунбобоев, М.Шербўтаев номли, "Гулистон", "Деҳконобод" ширкат хўжаликларида давом эттирилмоқда. Мазкур ҳудудларда ташкил этилаётган касаба уюшма ташкилотларининг ҳудудий вакиллари ишдан бўшаган ходимлар ҳисоб-китобини юритиб, тумандаги аҳоли бандлигини таъминлаш корхоналари билан яқин алоқада бўлиб, улар билан ахборот алмашишмоқда.

Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифалар зиммасида бўлган касаба уюшма ташкилотлари бугунги бозор иқтисодиёти шароити даврида меҳнаткашлар иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг ўз муддатида ва тўлиқ тўланишида иш берувчиларнинг масъулиятини оширишлари, кечиктирилган маошлари учун индексация қўллаш тартибини жамоа шартномаларига киритишни йўлга қўйишлари керак бўлади. Бунда улар "Маҳалла" хайрия жамғармаси, туман меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва шу каби жамоат ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Қурултой қарорларини бажариш, унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга муҳим аҳамият бериб, 2006 йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да меҳнаткашларнинг унумли меҳнат қилиб, яхши ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиш, уларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш бўйича иш олиб борилмоқда.

Иброҳимжон ҚЎЗИЕВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари туман касаба уюшма кенгаши раиси

ЛИЗИНГ

кони фойда

"Ўзқишлоққўжаликмашлизинг" акциядорлик лизинг компаниясининг Фарғона вилоят филиали жори йил давомида 305 та турли хил русумли қишлоқ хўжалик техникаларини лизинг асосида олиб келишни режалаштирган.

Айни пайтда 230 та фермер ва ширкат хўжаликлари билан шартномалар тузилди. Бундай йўл билан агрегатларни фермерларга бериш бу ерда ўзининг яхши натижасини кўрсатмоқда. Яъни фермер ўз навбатида янги техника эгасига айланади ҳамда маълум вақт давомида лизинг тўловини амалга ошириб боради.

— Лизинг фермерларимиз фаолиятида ўзининг ижобий самарасини бермоқда, — дейди компаниянинг вилоят филиали раиси Қобил Матхолиқов. Бу айниқса, Ёзёвон туманидаги "Толқудуқ-97", Олтиариқ туманидаги "Одилжон", Қува туманидаги "Кимсанбой раис" ва Бувайда туманидаги "Ўрин Турғун" фермер хўжаликларида ўз натижасини кўрсатди.

Суратларда: лизинг асосида олинган техникалар.

М.ҚОДИРОВ
(ЎзА) олган суратлар





Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси IV Қурултойида ўтган даврда олиб борилган ишларга баҳо берилди ва келгусида касаба уюшмалари ташкилотлари олдига янги вазифалар қўйилди.

Айни кунларда жамоамиз асосий эътиборни қурултой қарорлари талабларини ижро этишга қаратмоқдалар. Мактаб интернатида 53 нафар ўқитувчи ва ходимлар 210 та ўқувчига давр талаби асосида таълим ва тарбия бериб келмоқдалар. Шу боис битирувчи синф ўқувчиларнинг олий ўқув юртларига кириши 85-90 фоизни ташкил этади. Шундан 70-75 фоизи Давлат гранти асосида таълим олишади. Ўқитувчиларимизнинг аксарияти олий тоифали муаллимлардир

БИЗ ҲАМ БИР ЁНДАН

.Юқоридаги натижаларни қўлга киритишда мактаб касаба уюшма қўмитасининг улуши салмоқлидир. Таълимни ДТС асосида олиб бориш жуда кўп нарсаларга боғлиқ. Ўқитувчиларнинг оилавий шароитидан тортиб, фарзандининг дам олиш, унинг соғлиги, мактабда ишлаб, дарсга тайёргарлик кўриши ва бошқалар касаба уюшма эътиборида. Туман касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда ҳар йили 4-5 нафар ўқитувчи ва ходимларни сиҳатгоҳларга жўнатиб, саломатликларини тиклаб қайтишларига эришилмоқда. Мактабда дам олиш ва компьютер хоналари мавжуд. Шу билан бирга мактаб касаба уюшма қўмитаси ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Б.ХОЛИҚОВ,
Туман халқ таълими бўлимига қарашли 63-ихтисослашган мактаб-интернати касаба уюшма кенгаши раиси

2004 йилда туман ҳокимлигининг қарорига асосан "Бўстон" ширкати фермер хўжалигига айлантирилди. Ҳозирда янги ташкил этилган фермерлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз.

«ЧИМЁН»ДА МИРИҚИБ ДАМ ОЛИШДИ

Президентимиз томонидан фермерларга берилган баҳо ва қўйилган талаблар тармоқ меҳнаткашларини ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш учун бор имкониятларни ишга солишга даъват этмоқда. Чунки жамиятимизда амалга оширилаётган барча ижобий ўзгаришлар биринчи навбатда дунёдаги энг азиз инсон ҳаётига, қадр-қимматига эътибор қаратиш билан боғлиқдир. Инсон омили, унга ғамхўрлик қилиш, оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш,ҳамиша давлатимизнинг диққат-эътиборида.

Юртбошимиз "Оила, унинг муаммолари, унинг иқболи ҳам давлатимиз, ҳам жамиятимиз эътибори марказида бўлиши керак" деб таъкидлаган эдилар. Бу гап касаба уюшма ташкилотлари зиммасига катта масъулият юклади. Ҳар бир йилнинг ўзига яраша номланишида ҳикмат бор. Шу боис "Сиҳат-саломатлик йили"да амалга оширилган ишларни "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да давом эттириш мақсадимиздир.

Тармоқда ҳар йил илғор ишчи-хизматчилар ва меҳнат фахрийларининг муносиб дам олишларига эътибор қаратилмоқда. Фарғона водийси бўйлаб саёҳат, турли сиҳатгоҳларга йўлланмалар бериш борасида фермер хўжаликлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Байрам арафаларида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардан хабар олиш, илғорларни тақдирлаш каби хайрли ишларга олижиммат ва саховатли юртдошларимиз яқиндан ёрдам бермоқдалар. 2006 йилда ҳам касаба уюшма ташкилоти аъзоларини навбат билан дам олиш масканларига юборишни мақсад қилиб турибмиз.

Янги ташкил этилган фермер хўжаликлари аъзоларини бундан буён ҳам маданий-маиший ва ижтимоий ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш устувор масала эканлигини ҳис этиб турибмиз. Бир қанча ишчилар "Чимён", "Зилол", Аҳмад ал-Фарғоний дам олиш масканларига бориб дам олдилар.

Эндиги мақсадимиз, маҳаллаларда кичик корхона ва янги иш ўринлари яратишга қаратилган. Хотин-қизлар учун тикувчилик мактабларини ташкил этиш ишлари шулар жумласидандир. Эрта баҳордан бошлаб маҳалла ва кўчаларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини йўлга қўямиз. Ўзига хос кўрик-танловлар ўтказамиз. Бу ишда бизга маҳалла фуқаролар йиғинлари, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва хотин-қизлар қўмиталари ҳамкорлик қилишади.

Неъматулло АРАПОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари туман касаба уюшма кенгашининг "Янги ҳаёт" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудий вакили

Туман Соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари вакиллигида 3879 нафар аъзолар бор. Ходимларга уларга хавфсиз иш шароитларини яратиш, дам олиш ва саломатликларини мустаҳкамлаш, иш ҳақларини ўз вақтида тўлаш, уларнинг оила аъзоларига ғамхўрлик қилиш борасида бир мунча ишлар амалга оширилди

РАҒБАТ-ЭНГ КАТТА МУКОФОТ

Ўтган даврда 100 нафар фахрий ва кекса ходимларга моддий ёрдам кўрсатилди. Соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари "Сиҳат-саломатлик спартакидаси" туман ва вилоят босқичларида фаол қатнашдилар.

"Ҳамшира-2005" кўрик-танловида Насибахон Эргашева вилоят миқёсида иштирок этиб, фахрли ўринлардан бирини эгаллади. Бундан ташқари, "Аёл ҳуқуқи – инсон ҳуқуқи" Республика ойлигида хотин-қизлар ўртасида турли суҳбатлар, тарғибот-ташвиқотлар олиб борилди. Рағбатлантириш ва моддий ёрдам бериш борасида ҳам бир мунча ишлар қилинди. Жумладан, 85 нафар тиббиёт ходимларига касб байрамлари муносабати билан, шунингдек, байрамларда 60 нафар касбдошларимизга касаба уюшма кенгаши томонидан моддий ёрдам берилди. "Энг фаол касаба уюшма вакили" кўрик-танловида 20 нафар аъзолар фаол иштирок этди.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан тузилган тадбир асосида янги режалар белгиладик. Раёсат йиғилишида долзарб масалаларни муҳокама этишни мўлжаллаб қўйганмиз.

Хусусан, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ишсизлик муаммосини ҳал этиш, ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV қурултойида қўйилган талаблари ва қабул қилинган қарорлари асосида иш олиб бораяпмиз.

Матлубахон ТЕШАБОЕВА,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши вакили

Бошланғичга кўп нарса боғлиқ

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

тўлақонли бўлсин

(Боши 1-бетда)

Маълумки, касаба уюшма ташкилотлари меҳнаткашлар маънавиятини ошириш ҳамда уларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий равишда жалб этишга ҳам масъулдирлар. Шу боисдан Андижон вилоятида 24 та, Фарғонада эса 27 та тармоқ корхона ва ташкилотларда "Маънавият ва маърифат" хоналари талаб даражасида жиҳозланган. Бу ишни тўлақонли бажаришда "Андижонтранс" уюшмаси бўйича 5 миллион сўм, "Андижонавтойўл" бўйича 15 миллион, "Фарғонатранс" бўйича 7 миллион, "Фарғоназвтойўл" бирлашмасида эса 12 миллион сўмлик ишлар бажарилди.

Андижон вилоятидаги Қўрғонтепа, Шаҳрихон, Избоскан, Олтинкўл туманларидаги автокорхоналарда меҳнаткашлар маънавиятини юксалтириш борасида кўпгина тадбирлар уюштирилмоқда. Фарғона вилоятидаги 9-автобус саройи, Қўқон автомобил йўллари коллежи, Фарғона йўлларни лойиҳалаш институтида, Тошлоқ автобус-такси саройи, 2520 автожамланмаларда ҳам шундай ҳолни кузатиш мумкин.

Лекин вакилликлар ва уларнинг тизимидаги айрим бошланғич ташкилотларда бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Андижон вилоятидаги бошланғич ташкилотларда тузилган айрим жамоа шартномалари талабга тўла жавоб бермайди. Жойларда имзоланаётган жамоа шартномалари тузилишига вилоят вакиллиги томонидан етарли даражада ёрдам кўрсатмаётганлиги ҳам бунга сабаб бўлмоқда. Корхона ва ташкилотларда қабул қилинган жамоа шартномаларининг 30-40 фоизига меҳнаткашларга бериладиган иш ҳақи ва рағбатлантириш тўғрисидаги низомлар, меҳнат шароити оғир, зарарли ҳамда алоҳида тусга эга бўлган ишлар билан банд бўлган ходимлар рўйхати ва уларга тўланадиган қўшимча тўловлар киритилмаган. Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисага учраган ишчи-хизматчиларга ва ҳалок бўлган ходимларнинг оиласига тўланадиган 1 йиллик, 6 йиллик ўртача иш ҳақи миқдоридан бир марта бериладиган нафақалар жамоа шартномасига киритилмаган. Шахсий ҳимоя воситалари, махсус кийим-бош, сут ва сут маҳсулотлари бепул берилиши лозим бўлган лавозимлар рўйхати ҳам жамоа шартномаларида ўз аксини топмаган.

"Андижонавтойўл", "Андижонавтокомбинати" ва Қўқон йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармаси, Фарғона йўлларни лойиҳалаш институтларида ишлаб чиқилган йўриқномалар талаб даражасида эмас. Андижон — 2511, 2508-автожамланмаларида, Фарғона ва Олтиариқ автомобил йўллари бошқармаларида ушбу муҳим ҳужжат эскирган. Юқоридаги корхоналарнинг аксариятида ёнғинга қарши дастгоҳлар талаб даражасида эмас. Электр телферлар синалмаган. Аккумуляторчи, электр пайвандчиларга бериладиган махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари етишмайди. Аккумулятор бўлимида кислота қоришмаси сачраганда ювиш учун ишлатиладиган сода аралашмаси йўқ. Ечиниш хоналари ҳам ўлда-жўлда жиҳозланган. Меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган вакил ва жамоатчилик асосидаги комиссияларнинг фаолияти ниҳоятда суст.

Яна бир ташвишланарли нарса. Бу ҳам бўлса моддий қийинчилик рўкач этилиб, республика "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасига риоя этилмаган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассиси лавозимлари қисқартирилмоқда. "Андижонтранс" уюшмасида худди шундай аҳволни кўриш мумкин. Андижон вилоятидаги 2511-автожамланмасида эса 240 нафар киши ишлашига қарамасдан, бу лавозим кадрлар бўлими бошлиғига юклатиб қўйилган.

Юқорида санаб ўтилган камчиликларни бартараф этиш учун бошланғич касаба уюшма етакчилари барча чораларни кўришлари зарур. Чунки ишимиздаги муваффақият ҳар бир корхонада тузилаётган жамоа шартномасининг мукаммаллигига боғлиқ. Унинг ижроси эса барча касаба уюшма етакчиси ҳамда корхона раҳбари учун мажбурийдир.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири

ҚАЕРДА, ҚАЧОН, НЕГА?

хориж хабарлари



УЗОҚ ШАРҚДА ЁНҒИН

Ўтган сешанба куни Владивостокда Ички ишлар бошқармаси биносида юз берган ёнғинни мутахассислар мураккаблиги жиҳатдан иккинчи тоифага киритдилар.

Айни чоғда ёнғинни бартараф этиш ишлари давом эттирилмоқда. Дастлабки маълумотларга қараганда, қурбонлар ва жабрланганлар йўқ. Айтишларича, ёнғин энг юқори қаватдаги кабинетлардан бошланиб, сўнг томни ўз домига тортган.

Муҳими, паспорт блоклари ҳамда бошқа ҳужжатларни сақлаб қолишга муваффақ бўлинган. Бироқ кўплаб ходимларнинг буюмлари ва хизматга оид маълумотлар сақланган компьютер тизими ёниб кул бўлган.

ҲУСАЙН ҚОРА КУРСИГА ҚАЙТДИ

Боғдодда Саддам Ҳусайн устидан суд қайта бошланди. Ироқнинг собиқ президенти адвокатининг баёнотига қараганда, у бундан буён суд мажлисида қатнашади. Сал илгарироқ араб матбуотида Ҳусайн очликни тўхтатганлиги тўғрисида хабар тарқатилганди. Маълумки, у икки ҳафта муқаддам норозилик белгиси сифатида очлик эълон қилганди.

Саддам Ҳусайн оммавий қирғинда, хусусан, шиалар яшайдиган Эд-Дуджейл қишлоғи аҳолисини қатлиом қилганликда айбланмоқда. 1982 йилда Ироқ президентига суиқасд уюштирилган, шундан сўнг ушбу қишлоққа қўшин киритилган, натижада 148 нафар маҳаллий аҳоли ўлдирилган эди.

ЖУРНАЛИСТ ТИРИК ВА ҲАДЕМАЙ ҚЎЙИБ ЮБОРИЛАДИ

Январ ойида Боғдодда жангарилар томонидан ўғирлаб кетилган америкалик журналист аёл Джилл Кэрролл соғ-омон ва яқин кунларда озодликка чиқарилади. Ироқ ички ишлар вазири Баён Жабернинг ишонч билан айтган сўзлари барчада умидворлик хисларини уйғотди. Унинг фикрича, охир-оқибат жангарилар журналист учун пул талаб қилишлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.


Ўша машъум 7 январ куни Кэрролл диний-сиёсий арбоб шайх Аднан ад-Дулеймийдан интервью олиши лозим эди. Лекин кўзланган офисга 300 метрлар чамаси масофа қолганда қуроллланган номаълум кишилар уни қуршаб олишган. Сал вақт ўтмай журналистнинг таржимони ўлик ҳолда топилди.

Жангарилар қамоқхоналарда ётган аёл маҳбусларни озод қилиш учун шундай йўл тутганликларини хабар қилишган.

ҲАЙДОВЧИСИЗ МАШИНА

Европада "Ақлли автомобил" дастурини ривожлантиришга жиддий киришган кўринадилар. Дастур мазмунмоҳиятини белгиловчи вазифа ғоят ажабтовур. Бу ерда гап аллақандай алоҳида нусхадаги машина устида кетмаяпти. Мақсад бундай ҳаракатланувчи воситаларни оммавий тарзда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. Бир қарашда хаёлпарастликдек туюлган режага кўра яқин 10-15 йил ичида орзу рўёбга чиқиши мумкин. Ҳар ҳолда ҳозирнинг ўзидаёқ автомобил-робот учун яхшигина имконият бор.

Хусусан, Volkswagen компаниясида шундай тажриба мавжуд. Муҳандис ва конструкторлар таклиф қилган машина чиндан-да ғоят ақлли бўлиб, тўсиқ учраганда ёки носозлик юз берганда ўз-ўзидан тўхтайди. Қолаверса, у йўлда кетаётганда уяли телефондан фойдаланмайди, ён-атрофидан ўтаётган аёлларга чалғимайди.



ҚОБУЛ ҚАМОҚХОНАСИ ҚУРШОВДА

Шанба куни маҳбуслар қўзғолон кўтарган пойтахт Қобулнинг Пули Чархи қамоқхонасини Афғонистон хавфсизлик кучлари ҳарбий техникалар билан қуршаб олган.

Афғонистон полициясининг хабар қилишича, қамоқхона уч қатор полициячилар билан ўраб олинган ва қўзғолончиларнинг қамоқхонадан чиқиб кетишининг олди олинган. Афғон ҳукумати вазирининг айтишича, шанба куни бошланган маҳбуслар қўзғолонини бостириш учун зарур бўлса, куч ишлатилади.

Адлия вазирининг муовини Муҳаммад Қосим Ҳошимзай маҳбуслар билан музокаралар давом этаётганини айтган ва бу музокаралар тинчлик билан тугашига умид билдирган.

1300 дан ортиқ маҳбус сақланаётган қамоқхонада Толибон ва "Ал-Қоида" жангарилари ҳам бор. Афғон расмийларининг хабарларига кўра, маҳбуслар қамоқхонада жой етишмаслиги, озиқ-овқат сифатининг ёмонлиги ҳамда яқинлар билан кўришиш шароити ёмонлигидан шикоят қилишган.

Мустақил Афғон инсон ҳуқуқлари комиссияси вакили Муҳаммад Иброҳим Саодатнинг сўзларига кўра, баъзи маҳбуслар ўз ишларини қайта кўриб чиқилишини талаб қилмоқдалар.

Қўзғолон кўтарган маҳбуслар икки аёл кўрикчини гаровга олганлар. Якшанба куни қамоқхонада тартибсизликлар давом этган. Пули Чархи қамоқхонаси 1970 йилларда қурилган бўлиб, маҳбусларни сақлаш шароити оғирлиги билан танилган. Боз устига, қамоқхонага яқинда АҚШнинг Гуантанамо ҳарбий лагерида сақланаётган маҳбусларни олиб келиш кутилмоқда. Шу сабаб бу ерда таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти.

Интернет хабарлари асосида
М.ИБРОҲИМОВ тайёрлади

ТОНГЛАРИНГИЗ КУЛСИН ДОРИЛОМОН, ҲУР


Архив

Салқин саҳарларда, бодом гулида
Бинафша лабида, ерларда баҳор.
Қушларнинг парвози, елларнинг нози,
Бахмал водийларда, қирларда баҳор...

Ўлкамизда яна яшариш, яшнатиш фасли баҳор келди. Ўрик навдалари шода-шода марваридлар тақди. Бодомлар гулга кирди. Тоғларда бойчечак, қирларда чучмома, ариқ бўйларида ялпиз бўй таратди. Қушлар чуғуллашиб ин тараддудига тушишди. Юртимизда кўклам таровати, гўзаллиги билан бирга яна бир муборак кун — халқимизнинг ардоқли шоираси, ўзбек аёлларининг тимсоли, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним таваллуд айёми ҳам нишонланади. Шоира эътироф этганидек:

Баҳорда туғилдим!
Унга эш
Яшашнинг қонуни қонимда.

Зулфияхоним - баҳор қизи. У баҳорни севди. Ўрик гулларидан, кўклам чечакларидан нафосат, гўзаллик, илҳом олиб уни шеърга солади.

Назаримда, дилбар шоирамиз баҳорнинг биринчи кунида тавваллуд топганида рамзий маъно бор. Зеро, Зулфияхонимнинг номи, шахсияти, ижоди, ҳатто бир-биридан гўзал шеърлари ҳам мазмунмоҳияти билан баҳордек кўнгилларга сурур, завқ-шавқ ва яшариш, покланиш, нур-зиё бахш этади. Шу боис шоира шеърларини ўқиганда қалбда ажиб туйғулар уйғониб, нурлар оғушида қоласан киши. "Демак, баҳор келди" шеърида шамоллар меҳрибон она мисол "илиқ қўл"и билан "гулларга ишқдан" нурлар сочади. Бундан "саховат момоси - тоғнинг кўксидан кўпириб, ҳайқириб" эзгуликлар сочилади. Ва шу лаҳза "шошқалоқ ғунчалар чоки сўкилиб" кетади. Юртга баҳор келади.

Шоира баҳор манзараларини шундай маҳорат билан суратлантирадики, беихтиёр шеърхон кўклам нафасини, унинг ўзига хос гўзал тароватини ҳис қилади:

Синди қиш тўқиган муз ҳисли қафас,
Мана, яна қушлар чуғурлаб қолди.
Она нигоҳидай мулойим нафас
Замину осмонни бағрига олди.
Демак, баҳор келди.

Ҳа, Зулфияхоним табиатида баҳордек бағрикенг, тонгдек бокира, гулдек гўзал туйғулар ошиён қурган.

Шу боис шоиранинг ҳассос қалби, шеърияти, ҳатто ҳаёти ҳам баҳорга, тонгга, гулга ўхшайди. Шу ўринда халқимизнинг беназир шоири Миртемирнинг қуйидаги эътирофини эслаш жоиздир:

"Ўзбек поэзиясида Зулфия деган номнинг чақнаб пайдо бўлиши тонг юлдузининг туғилишига тенг воқеа бўлгани ҳамон эсимда, ўша тонгнинг ўзидай рост ва ёркин ҳақиқат бу. Ўша кезда аёл зотидан қўлига қалам олганлар саноқли ва пайдо бўлиб улгурмайин сўлиб қолар, ижодлари ҳам умумийроқ, бир-биридан фарқсизроқ, ибтидоийроқ, жўнроқ, назмгўйликдан нари ўтолмаган машқлар, ўхшатмалар эди. Давр ва поэзия аёл эрки, аёл қалби, изтиробга лиммо-лим она тимсоли, она армонлари, она бахтини, она дилини куйлашга қодир бир онабошига муҳтож ва интизор эди. Зулфия ана шу бўшлиқни тўлдириб қўлига соз олган, ўша чанқоқликни қондирган биринчи аёл, биринчи куйчидир. У биринчи машқлариданоқ тонгга маҳлиё. Буюк ва пок тонг гўзалликларига ошиқ, тонгни қадрлашга фидойи, жасоратли ва уринчоқ куйчи бўлди". Дарҳақиқат, Зулфияхоним Шарқнинг нозик таъб шоиралари Нодирабегим, Увайсий, Зебинисо анъаналарини давом эттириб, уни сайқаллаб янги пағонага кўтарди. Шоиранинг "Ҳаёт варақлари", "Ҳижрон кунларида", "Юрагимга яқин кишилар", "Мушоира", "Соғинч сатрлари", "Хаёллар, туйғулар" каби китоблари шеърият мухлисларининг кўнгил мулкига айланган. Шу билан бирга Зулфияхонимнинг Осиё ва Африка минбарларида, шарқона нафис шеърият анжуманлари, мушоираларда янграган дилбар шеърлари назмни юракдан ҳис қилиб, нозик идрок этувчи Шарқ шеърияти шайдолари қалбини забт этди. Дўстлик, тинчлик ва биродарлик мадҳияси бўлиб дилларни дилларга, элларни элларга боғловчи меҳр риштаси бўлиб қолди.

Зулфияхоним ана шундай юксак ижоди, ибратли жамоатчилик фаолияти учун Давлат мукофотлари, Жавоҳарлал Неру номидаги, "Нилуфар" халқаро мукофотларига сазовор бўлди.

"Зулфияхоним минбарда сўзлаганда, шеър ўқиганида юзларидан нур ёғилиб, кўзлари юлдуздай порлаб кетарди, — деб ёзади Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева. — Шеър сатрларини дона-дона қилиб, бироз эркалик билан, бироз нозланиб, севимли бир алфозда ўқирди. Тингловчиларга меҳр, эҳтиром билан назар ташлар, юрагидаги меҳр-муҳаббат, эҳтиром оналик туйғулари билан уларни эркалаб-эркалаб ўзига мафтун қилиб сўзларди".

Донишмандларнинг башорат қилишларича, инсоннинг ботинидаги нур аввал унинг юзида, нигоҳида, қолаверса, гапирган гапида, қилган ишида акс этаркан. Назаримда, Зулфияхоним шеърларини ичдан нурлантириб турган нарса унинг ботинидаги маърифат ёғдусидир. Шоира бир шеърида:

Мен қуёшдан узиб берай сенга бир парча
Юрагимдан узган сингари,

деб ёзади. У ана шу гўзал шеъри билан ўқувчи "борлиғи"га олов ёқади, ҳаётга, улуғ курашга чорлайди:

Менга қуёш қанот учун, парвоз-чун зарур,
Ахир кураш, бахтга лиқ жаҳон!

Шу боис шоира шеърларида инсон бахти, "океанлар кучи", "тоғлар матонати" барқ уришини истайди. Ва ўзи орзу қилганидек, ўқувчини "қуёш шодликларига" ғарқ этади.

Тўғри, биз ёшлар Зулфияхоним шахсиятини яқиндан билмаслигимиз мумкин. Аммо шеърлари, китоблари, эзгу ишлари орқали шоиранинг ҳеч кимга ўхшамаган ўзига хос шахсиятини, инсоний фазилатларини тасаввур этамиз ва ҳамиша унга ҳавас қилиб яшаймиз.

Жалолиддин Румий ҳазратлари "Қандай бўлсанг, шундай кўрин, қандай кўринсанг, шундоқ бўл!" деганларидек, Зулфияхоним гўё ўзбек оналарининг тимсолига айланган.

Шоира "уйғониш", "меҳр" ташлаб кетаётган баҳорга жаҳондаги минглаб одамлар қатори пешвоз чиқиб:

Деҳқон уруғ сочсин, ўқ сочмасин тўп,
Қувғин эллар қушдай юртга қайтсин боз,
Ахир, баҳор келди,

дея одамларни яхшиликка, хушёрликка чақиради. Ана шундай "масъуд", "ер, инсон баҳорла қовушган онлар"да:

Баҳор йўлларига сепмангиз қонлар,
Баҳор боқий келсин!

деб инсониятга тинчлик тилайди, урушни лаънатлайди:

Ўқ отган кемалар денгизга ботиб,
Чирисин!
Тин олсин эллар, одамлар.
Одамлар, ўлдирманг одамни отиб,
Баҳор каби қайтиб келмас одамлар!

Шоира қалби - умуминсоний туйғулар уммони. У дунёдан ҳамиша яхшилик ва ҳақиқат излайди. Шу боис унинг туғёнли қалби ҳамиша оддий одамлар дарди, орзу-армонлари билан тўлган. Бу эса донишмандлик ва комиллик белгиларидир.

Зулфияхоним шеърларида мумтоз туйғулар, шарқона гўзал одобахлоқ, ҳаё, ибо, назокат уфуриб туради. Шоира "ҳижрон кунларида" ҳам сабрли, ҳам донишманд. "Ўлим ханжари" чил-чил этган бахти қаршисида қанча ғамга ботса, маънан шунча улғайиб бораверади. Дард уни улғайтиради, ҳижрон туйғуларини жунбушга келтиради. Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулов эътироф этганларидек, "Юракка ларза соладиган шеър кўпинча улкан йўқотиш, ажралиш ва жудоликлардан туғилади". Ўзбекнинг дилбар шоири Ҳамид Олимжоннинг вафоти шоиранинг ички оламига кучли таъсир қилади. Айрилиқ, ҳижрон, кўз ёшлар инжа сатрларга айланиб, унда шоиранинг шахсияти, дарду армонлари, синмас бардоши акс этади:

Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.
Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам.

Юрагида самимий муҳаббати, енгилмас бардоши ва яна синмас иродаси бор шоиргина ана шундай кўнгилларни жунбушга келтирадиган сатрларни битиши мумкин. Аслида ҳақиқий шеър ана шундай қайғули дамларда ёзилади. Шоирни шоир қиладиган ҳам дард ва армондир:

О, муҳаббат, кўрсат қиёфанг,
Бисотингда ханжарми ё май?
Гоҳ қалбларни айратиб чексиз,
Гоҳ жароҳат соласан қиймай.

Мана бугун ўлкамизда шоира севиб ардоқлаган баҳор насимлари кезиб юрибди. Нафақат боғлар қирадирларда ҳам ўрик оппоқ бўлиб гуллаган. Шоира ўзи айтгандек, халқининг, давлатининг эҳтиромида, у барпо этган гулшанда ҳар йили қанча чечаклар юз очади, ўзини намоён этади.

Зулфияхоним эса эъзоздан, ардоқдан руҳи шод бўлиб ўлмас сатрларида барҳаёт яшайверади.

Ҳамон эътиқодим - ҳақиқат ҳақдир,
Сўзлайман, юзимни тутиб Каъбага,
Емира олмайди ўткинчи тақдир,
Осуда ўтади руҳим абадга.

Эъзозлар, ардоқлар учун ташаккур.
Асли сиз офтобим, мен зиёсиман.
Тонгларингиз кулсин дориломон, ҳур,
Бахтим шул - ўзбекнинг ЗУЛФИЯсиман.

Шоира РАУПОВА,
Республика «Ижодкор ўқитувчи» кўрик-танлови ғолиби, Тошкентдаги 64-мактаб ўқитувчиси

Эҳтиром

Биздан сўраган эдингиз

МАКТАБДА ИШЛАШИМ МУМКИНМИ?

Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

САВОЛ: икки сменада ўқитиладиган мактабда ишлаб келаётган ўқитувчининг янги қонунга асосан 1,5 ставкадан ортиқ дарс соатлари кесиб ташланадими? Шунингдек яна 0,5 ставка дарс олиб қўшни мактабда ишлаши мумкинми?

Т.РУСТАМОВ,
Чироқчи тумани

ЖАВОБ: Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низомга мувофиқ уларнинг меҳнатини меъёрга мувофиқлаштириш йиллик, чораклик ва ойлик иш режаларига асосланган. Йиллик иш режаси ўқув, тарбиявий ва ташкилий тусдаги асосий тадбирларни бажариш учун зарур бўлган иш вақти сарфи кўрсатилган ҳолда уларнинг рўйхатини ўз ичига олади.

Ўқитувчиларнинг йиллик иш режаси чораклар ва ойлар бўйича тақсимланган бир йилдаги 1548 соат миқдоридаги иш вақтининг жамланган ҳисобида келиб чиқади. Йиллик иш режаси ҳар бир педагог ходим учун якка тартибда белгиланади ва кенгайтирилган педагогик кенгашда муҳокама қилингандан кейин халқ таълими муассасаси маъмурияти томонидан тасдиқланади. Иш режаларининг бажарилишини назорат қилиш халқ таълими муассасаси раҳбари томонидан амалга оширилади.

Якка тартибдаги йиллик иш режаларини ишлаб чиқишда халқ таълими муассасаси маъмурияти ўқитувчилар ва педагог ходимлар бошқа тоифаларининг ўқув юкламаси соатлари ҳажмини умумий белгиланган меъёрларга нисбатан камайтириши ёки кўпайтириши мумкин. Бунда ўқув юкламасининг белгиланган меъёрларига тузатиш киритиш ҳажми Ўзбекистон республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий режадагига нисбатан камайтириш ёки кўпайтириш 10 фоиздан ортиқ бўлмаслиги керак. Алоҳида ҳолларда Халқ таълими муассасаларида ходимнинг розилиги билан касблар, лавозимларни бирга қўшиб олиб боришга, шунингдек, ўзининг асосий иши билан биргаликда ишда вақтида бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажаришга йўл қўйилади. Бунда лавозимларни бирга қўшиб олиб бориш бўйича иш вақтининг жами давом этиши назарда тутилган. Жами иш вақтининг 50 фоизидан, яъни йил мобайнида 774 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Халқ таълими муассасаларининг ҳар бир ходими иш режаси бажарилиши тўғрисида педагогик кенгашда ёки халқ таълими муассасаларини бошқаришнинг бошқа ҳайъат (коллегиал) органида ҳар олти ойда камида бир марта ҳисобот беради.

ТАЪМИНОТ ЯХШИЛАНДИ

Электр узатиш тармоқларидан оқаётган нур шаҳар-қишлоқларимизни чароғон қилмоқда, минглаб корхоналардаги асбоб-ускуналарни ҳаракатга келтириб, фуқаролар турмуши фаровон бўлишига хизмат қилаяпти.

Аслида қуруқ симёғочу, ҳувиллаб турган симлар қаърида мўъжизавий қудрат бор. Ана шу кучланишни эплаб жиловлаш, уни фойдали мақсад сари йўналтириш, тафти билан одамлар кўнглига илиқлик олиб кириш нурчилар маҳоратига боғлиқ. Бундай вазифани ўзларининг доимий иши деб билган Янгийўл электр тармоқлари корхонаси жамоаси ўз хизмат юмушларини кўнгилдагидек уддалаб келишмоқда.

Ишлаб чиқариш қувватидан самарали фойдаланиш натижасида корхона бўйича жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида истеъмолчиларга 25 миллион 750 кВт/соат электр энергияси етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир неча баробар кўпдир.

— Айни пайтда электр энергияси таъминотини янада яхшилаш ва тўловларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича бир қанча чора-тадбирлар кўриляпти, — дейди корхона раҳбари Алижон Камолиддинов. — Жумладан, фойдаланилган электр энергияси учун тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича қўйилаётган қатъий талаблар ўз самарасини бера бошлади. Истеъмолчилар тўловларни ўз вақтида амалга оширишга одатланишган. Буни сўнгги кунларда тўлов интизоми барқарорлаша бошлаганидан ҳам билса бўлади. Шу кунларда корхона ходимлари аҳоли хонадонларини, ташкилот ва кўплаб ишлаб чиқариш корхоналарини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш учун бор куч-имкониятларини ишга солмоқдалар.

Акмал АЛЛАМУРОДОВ,
«Ишонч» мухбири

Президентимиз томонидан жорий йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши халқимизга хос бағрикенглик, меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларни юксалтириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш учун янада кенг йўл очиб берди. Навоий вилоятида ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

ҲАШАР - ХАЙРЛИ АНЪАНА

Навоий шаҳридаги «Истиқлол», «Янгиариқ» маҳалла фуқаролар йиғини, (Нуроний) жамғармасининг Навоий шаҳар ва Кармана туман бўлимлари ташаббуси билан 8-Март хотин-қизлар куни ва Наврўз байрамлари арафасида маҳаллалар, кўчалар ва аҳоли турар жойларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, экологик ҳолатни яхшилаш мақсадида вилоят миқёсида умумхалқ ҳашари ўтказилди.

Юртимизда кўклам арафасида бундай тадбирлар уюштириш яхши анъанага айланган. Кимдир қўл меҳнати билан, яна кимдир ҳомийлик кўрсатиш йўли билан маҳалла, шаҳар ва қишлоғининг обод бўлишига, кундан-кун чирой очишига ўз ҳиссасини қўшади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида кенг кўламдаги тозалик ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Шанбаликдан тушган маблағ эса кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларни қўллаб-қувватлашга ҳамда вилоятдаги қурилиш ва ободончилик ишларига йўналтирилади.

(ЎзА)

Футбол оламида

МАҚСАДИМИЗ - ЧЕМПИОНЛИК

Франция терма жамоаси сардори Зенидин Зидан Германияда ўтадиган мундиалда жамоадошлари ғолиб чиқишига ишонишини билдирган.

— Жаҳон кубогини қўлга киритиш асосий вазифа эмас, балки аниқ мақсадимиз саналади. Германияга фақат ғалаба қозониш учун борамиз, - деди футбол юлдузи.

Маълумки, французлар 1998-йилги жаҳон чемпионатида ғалаба қозонганди. Бироқ, 2002 йилги жаҳон чемпионати улар учун омадсиз кечди. "Евро-2004" даги мағлубиятдан сўнг Зидан терма жамоа сафида ўйнамасликка қарор қилганлигини билдирганди. Лекин ўтган йил ёзида футболчи қарорини ўзгартирганлигидан хабарингиз бор. Энди Зидан жаҳон чемпионатида ғалаба қозонишни мақсад қилган кўринади.

— Бир чемпионатда ғалаба қозониб, кейингисидан маҳрум бўлиш жуда хунук. Шу боис ғалабани қайтиб олиш биз учун шарафлидир. Биз бу ишни уддалай олишимизга ҳаётимни ҳам гаровга қўйишим мумкин, - деган футболчи.

Абдулҳай ЮНУСОВ тайёрлади



Мана ўн йилдирки, Андижон вилояти аҳли уяли алоқа хизматидан фойдаланиб келмоқда. «Ўздунробита» компанияси вилоятда биринчи оператор ҳисобланиб, у Наврўз байрами арафасида иш бошлаган эди. Кейинчалик бу ерда бошқа операторлар ҳам ўз бўлимларини ташкил этди.

МИЖОЗЛАР МАМНУН

«Ўздунробита» компанияси ўтган ўн йил мобайнида бозорда ўз ўрнини мустаҳкамлаб олди, уяли телефон эса андижонликлар кундалик ҳаётининг бир қисмига айланди. 1996 йилда «Ўздунробита» таркибида уч мингга яқин абонентга хизмат кўрсатувчи 4 та базавий станция мавжуд эди, ҳозир эса унинг хизматларидан 70 мингдан ортиқ мижоз фойдаланмоқда.

- Биргина ўтган йили 41 та базавий станция ишга туширилди, - дейди компаниянинг Андижон вилоят бўлими директори Асилиддин Нуриддинов. - Жумладан, бундай станциялар Улуғнор ва Пахтаобод каби чекка туманларда ҳам фойдаланишга топширилди. Энди бундай станцияларнинг умумий сони 64 тага етди. Шунингдек, компания қамрови доирасига «Андижонкабель» Ўзбекистон-Россия ва «Узкоджи» Ўзбекистон-Корея қўшма корхоналари фаолият юритаётган Хонобод шаҳри ҳам қўшилган. 2006 йилда вилоятнинг шаҳар ва туманларида яна 20 та базавий станция барпо этиш режалаштирилган.

Уяли алоқа хизматларининг мунтазам такомиллаштирилиши, тарифларнинг пасайтирилиши ҳамда аҳоли турмуш даражасининг ошиб бораётгани абонентлар ижтимоий таркибига ҳам таъсир қилмоқда. Ҳозирда бундай алоқадан ўрта синф вакиллари ҳам фойдаланмоқда, айрим оилаларда турли операторларга уланган бир нечта уяли телефон бор.

ТАРКИБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Маълумки, шу йилнинг ёзида Германия яшил майдонларида футбол бўйича жаҳон чемпионати баҳслари бўлиб ўтади. Ушбу йирик футбол анжуманига тайёргарлик олиб бораётган терма жамоалар ўзаро ўртоқлик учрашувларини ўтказишмоқда. Футбол ватани вакиллари саналмиш инглиз футболчилари Уругвай терма жамоасига қарши ўйнайди. Бош мураббий Свен-Ёран Эрикксон ушбу ўйинда майдонга тушадиган футболчилар рўйхатини эълон қилди. Сўнгги ўйинларни ўтказиб юборган ҳимоячилар Гарри Невилл ("Манчестер Юнайтед") ҳамда Жейми Каррагерлар ("Ливерпул") яна асосий таркибда. "Реал" ҳимоячиси Вудгейтнинг навбатдаги жароҳати туфайли узоқ танаффусдан сўнг Уэсли Браун яна асосий таркибга жалб этилган.

Жароҳатлар мураббийни қийин аҳволга солиб қўйиши мумкин. Чунки жамоа таркибида Майкл Оуэн, Кирон Дайер, Эшли Коул, Сол Кэмпбел, Крис Кирклэнд, Оуэн Харгривз сингари футболчилар майдонга тушмайди.

Терма жамоага янги таклиф этилган футболчилар Даррен Бент ("Чарлтон") ҳамда Киран Ричардсон ("Манчестер Юнайтед") миллий чемпионатда чиройли ўйинлар намойиш этгани боис илк марта ўз мамлакати шарафини ҳимоя қилади.



БРАЗИЛИЯ ТЕРМА ЖАМОАСИ – МОСКВАДА

Бугун Москвадаги "Локоматив" ўйингоҳида Россия ҳамда Бразилия терма жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтади. Гарчанд, россияликлар жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга кирита олмаган бўлса-да, бу ўйин улар учун катта аҳамиятга эга.

- Бразилияликлар билан ўйнашга тайёрмиз. Биз уларнинг қандай усулда тўп суришини яхши биламиз. Йигитларимиз саломатлиги ҳақида гапирадиган бўлсам, фақатгина Дмитрий Сенников бироз шамоллаган. У ҳам шифокорлар кўригидан ўтгач майдонга тушиши мумкин. Терма жамоа бош мураббийи ким бўлиши ҳақидаги саволни эса, Виталий Муткога бериш лозим, - деган мураббий А.Бородюк.

Пентакампионлар сафида ярим ҳимоячи Роналдиньонинг майдонга тушмаслиги маълум бўлган. Бразилия терма жамоаси бош мураббийи Карлос Паррейра ярим ҳимоячининг ўзи бу сафар сафга қўшмаслигини илтимос қилганлигини айтган. Бу фурсатда футбол юлдузи жароҳатини даволатишни режалаштирган.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

«Respublika ko'chmas mulk birjasi Toshkent shahar filiali»

Сизларни навбатдаги Кимошди савдоларига таклиф қилади!

Навбатдаги кимошди савдоларини 2006 йил 2,4,7,9,11,14,16,18,23,25,28 ва 30 март кунлари ўтказади.

Кимошди савдоларига "Ўзбекистон Шампани" Очиқ Акциядорлик жамияти балансидаги 1955-1970 йиллар орасида ишлаб чиқарилган жами 100 дона бўлган Е-1500 русумли цистерналар қўйилмоқда.

Ҳар бирининг бошланғич нархи — 541 320 сўм.

Кимошди савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан 2 соат аввал тўхтатилади. Кимошди савдолари соат 11.00 да бошланади.

Савдоларда қатнашиш учун объект бошланғич баҳосидан 10 фоиз миқдорда закалат пули тўланади.

Шунингдек, **«Respublika ko'chmas mulk birjasi Toshkent shahar filiali»**

Маклерияти томонидан марказлаштирилган электрон биржа савдоларига 2006-йилнинг 1 мартидан бошлаб қуйидаги объектлар қўйилмоқда:

Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Сергели-6 мавзеси, Янги Сергели кўчаси, 3-уй, Автомажмуа ҳудудида жойлашган умумий майдони 18,0 кв.метрга тенг бўлган 11-сонли савдо дўкони (11/2 қатор). **Бошланғич нархи — 500 000 сўм.**

Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Сергели-6 мавзеси, Янги Сергели кўчаси, 3-уй, Автомажмуа ҳудудида жойлашган умумий майдони 18,0 кв.метрга тенг бўлган 3-сонли Савдо дўкони (10/3 қатор). **Бошланғич нархи — 1 000 000 сўм.**

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси, 10-уй, 3-қават, 35 ва 45-хона.
Телефонлар: 136-15-29, 144-44-72, 144-44-73, 136-28-75.

Қонун барчага баробар

ЛАФЗ ҚИЛДИНГМИ, БАЖАР!

Хозирги даврда ўзи имзолаган шартномага сўзсиз риоя этиб, фойда олаётган, пировардида ҳам ўзининг фаровон яшашига, ҳам мамлакат иқтисодий қудратининг юксалишига ҳисса қўшаётган тадбиркорлар, хўжалик юритувчи субъектлар кўпчиликни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 353-моддасида, яъни бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади. Демак, шартнома хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқий муносабатларини вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш учун асос бўлади. Шу билан бирга ҳуқуқий муносабатда қатнашувчиларнинг ҳаракатларини тартибга солади, ҳуқуқ ва бурчларини белгилайди. Бозор шароитида энг кўп тузиладиган хўжалик шартномаларидан бири контрактация шартномасидир. Бу шартномалар асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида тузилади. Унга кўра қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи томон тайёрловчига шартлашилган муддатда маҳсулотни топширишни, шартлашилган муддатда, муайян тартибда тўлаш мажбуриятини олади.

Бироқ хўжалик судлари амалиёти шуни кўрсатадики, шартномавий муносабатларда ҳамон муаммолар учраб турибди. Ҳалқимизда лафз деган бебаҳо тушунча бор. Яъни ваъда бердингми, албатта бажаришинг шарт. Йўқса юзинг шувут бўлади. Ҳамкорлар олдида бебурд бўлиб қоласан.

Самарқанд вилоят хўжалик суди томонидан кўрилган ушбу низоли иш ҳам юқорида билдирилган фикримизнинг тасдиғидир. "Тони Грин" қўшма корхонаси Булунғур туманидаги "Асалчи" фермер хўжалиги билан контрактация шартномаси тузади. Унга мувофиқ қўшма корхона "Асалчи" фермер хўжалиги ҳисобига маҳсулот етиштириб бериш учун 300 минг сўм бўнак маблағини олдиндан тўлайди. "Асалчи" фермер хўжалиги қўшма корхонага 100 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулоти — помидорни етказиб бериш, ўз навбатида қўшма корхона фермер хўжалиги маҳсулотини қолган қисми ҳаққини белгиланган қоидаларга кўра тўлаб бериши ҳақида шартлашганлар. Аммо "Асалчи" фермер хўжалиги томонидан шартнома шарти бажарилмаган. Қўшма корхонага умуман маҳсулот топширилмаган. Мурожаатлари эътиборсиз қолдирилавергач, сабр косаси тўлган "Тони Грин" қўшма корхонаси ўтказган бўнак ва унга қўшиб шартнома бажарилмаганлиги учун жарималарни ундириб бериш тўғрисида Самарқанд вилоят хўжалик судига мурожаат қилди.

Ишдаги материалларни атрофлича ўрганиб чиққан хўжалик суди "Асалчи" фермер хўжалигидан "Тони Грин" қўшма корхона фойдасига 300 минг сўм асосий қарз ва шартнома бажарилмаганлиги учун неустойка ва бошқа харажатлар билан жами 551 минг сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.


Дарҳақиқат, корхона ўз иш режасига кўра маҳсулот қабул қилиб ишлаб чиқариш билан бирга ишчиларни иш билан таъминлаши, иш ҳақини бериши, шунингдек, ҳар хил ижтимоий тўловларни тўлаш, иш кўламини кенгайтириш ва бошқа иқтисодий масалаларни бажариши керак эди. Бундай ҳолатлар такрорланаверса, корхона инқирозга учраши ва ишчилар ишсиз қолиши ҳеч гап эмас.

Яна бир мисол: "Жомбой дон" ОАЖ билан Булунғур туманидаги Самандар фермер хўжалиги ўртасида давлат эҳтиёжи учун хўжалик томонидан 47,8 тонна ғалла ва дон маҳсулотларини етиштириб беришга келишилган. Шартноманинг 1.1 бандига асосан фермер хўжалиги томонидан 47,8 ўрнига ошиғи билан 47,859 тонна жами, 4 миллион 53 минг 136 сўмлик дон топширилган. Афсуски, "Жомбой дон" ОАЖ шартноманинг 3.6 бандига зид равишда берилган маҳсулот учун вақтида ҳақ тўламаган.

Суднинг хулосасига кўра "Жомбой дон" ОАЖ ҳисобидан фермер хўжалиги фойдасига 4 миллион 53 минг 136 сўм асосий қарз ва харажатлар билан жами 4 миллион 130 минг 71 сўм ундиришга қарор қилинди. Бундан ташқари "Жомбой дон" ОАЖ Адлия ва суд органларини ривожлантириш жамғармасига 82 минг 601 сўмни ҳам тўлайдиган бўлди.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Ёзги соғломлаштириш



МАВСУМ ЯНГИ БИНОДА БОШЛАНАДИ

Мана ниҳоят, қиш фасли ўз ўрнини баҳорга бўшатиб берди. Ҳадемай болажонлар кўнглини завққа тўлдириб суюкли ёз ҳам бошланади. Бу демакки келажагимиз эгаларини ўз бағрига олиб, мазмунли ҳордиқ чиқариш билан бирга саломатликларини тиклаб олишлари учун соғломлаштириш оромгоҳларида иш қизигандан қизийди. Лекин яна шуниси борки мавсумни соз ва мароқли ўтказиш шу кеча-кундузда амалга оширилаётган ишлар сифатига боғлиқ.

"Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш" акционерлик компаниясига қарашли "Ҳисоролди" нефтгаз қидирув экспедицияси унитар шўъба корхонаси тасарруфидаги Шаҳрисабзнинг сўлим гўшасида жойлашган Беруний номли оромгоҳда бўлган киши қизғин меҳнат устидан чиқади. Компаниянинг улкан юк ташиш ва кўтариш автомашиналари ҳаракати бир маромда давом этмоқда. Ҳар мавсумда 350 нафар болани соғломлаштираётган оромгоҳ бу йилги дам олишни янги бинода бошлайди. Шу ниятда 60 нафар болага мўлжалланган замонавий ётоқхона биноси қурилиши бошлаб юборилди.

"Қашқадарёнефтгазқурилиш ва таъмирлаш" очиқ акционерлик жамиятининг Турсунпўлат Қиличев бошлиқ қурувчилар бригадаси бунёдкорлик ишларини тез ва сифатли бажаришмоқда. Бундан икки йил илгари оталиқ ташкилот томонидан 50 ўринли очиқ павильон қуриб берилганди. Компания раҳбарияти яна бир хайрли ишга қўл урганлигидан оромгоҳ жамоаси мамнун.

— Шуниси қувончлики, эски стадион ҳам қайтадан таъмирланиб, замонавий кўриниш касб этади, — дейди оромгоҳ раҳбари Лутфулла Каримов. — Бу ерда болажонлар учун югуриш йўлкалари, гимнастика майдончалари, ювиниш хонаси, минифутбол майдончалари барпо этилади. Бу эса ўсиб келаётган ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Дарвоқе, оромгоҳда бундан ташқари катта ҳажмдаги ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Барча ётоқхона замонавий усулда қайта таъмирланиб, жиҳозланади. Хусусан, бетон йўлкалар ўрнига ҳозиргача 500 тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Кунлар исиб кетиши билан анвойи гуллар экилади.





Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Ғолиб Қурбонов томонидан қурувчиларга қулай шарт-шароитлар яратиб берилганлиги ишнинг сифатли бўлишини таъминламоқда. Шу ернинг ўзида дам олиш хоналари, ошхона ташкил этилган. Қаландар Каромов, Мирза Салимов, Нўъмон Мухторов сингари қурувчилар ҳамкасбларига ўрнак бўлаяптилар.

Ш.СУЛТОНОВ,
"Ишонч" мухбири

Суратларда: 1.Иш юритувчи Қаландар Каромов. 2.Оромгоҳ жамоаси қурувчилар билан. 3. Қурувчи Комил Одилов.

Музейлар – тарих кўзгуси

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

Оролбўйи тарихи олис ўтмишга бориб тақалади. Бепоён кенгликлардаги кўхна қалъа қолдиқлари, кумтепалар бағридан топилган осори-атиқалар қадим маданиятдан дарак беради.

Халқ тариҳининг ойнаси ҳисобланган Республика ўлкашунослар музейи замонларни замонларга, даврни даврга боғловчи маданият ва маънавият кўпригидирким, бу маърифий муассаса Оролбўйи халқларининг фахру ифтихоридир.

"Ватанни севмоқ иймондандир" деб ёзиб қўйилган кўркам кошонага ташриф буюрган ҳар бир киши қадим мозий ҳақида қимматли маълумотлар олади, тарих тўғрисида тасаввурлари янада бойийди.

- Бултур музей ташкил топганлигининг 75 йиллиги кенг нишонланди, - дейди биз билан суҳбатда ўлкашунослик музейи директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Г.Жузимбетова. - Турли миллат ва элат вакиллари умргузаронлик қилаётган диёримиздаги маънавият кошонаси экстетик тарбия маркази ва тарих кўзгуси сифатида бениҳоя қадрланади.

Илк бор бир неча ўнта экспонатлар билан иш бошлаган музейда 1930 йилнинг охирига келиб, осори-атиқалар сони 1022 тага етди. 1935 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ёрдамида тарих ва ўлкашунослик музейи сифатида алоҳида ажралиб чиқди. Уни ташкиллаштириш ва фаолиятини йўлга қўйишда Москва Давлат университетининг собиқ битирувчилари Р.А.Баскаков, Н.В.Торчинская ва ёш қорақалпоқ олими Қ.Айимбетовларнинг хизматлари беқиёс. Кейинчалик А. С. Морозова, А. Л. Милков, С. П. Толстов, Я. Ғуломов каби таниқли олимлар бошчилигида Оролбўйида олиб борилган археологик-этнографик экспедициялар туфайли музей янги топилмалар билан бойиди.

Ҳозирги пайтда жамғармасида 56 мингдан зиёд осори-атиқалар сақланаётган маърифат масканининг табиат, археология ва этнография, янги тарих бўлимлари ишлаб турибди. Уларда қорақалпоқ халқининг ўтмиш тариҳи, фан ва маданияти ҳамда истиқлол давридаги юксалишини акс эттирган экспонатлар ўрин олган.

Фидойи жамоанинг самарали меҳнати ва изланишлари натижасида маънавият даргоҳи янги топилмалар билан тўлдирилаяпти. Шаҳар ва туманлар, тарихий жойлар ва овулларга материаллар йиғиш учун экспедициялар жўнатилаяпти. Кўчма кўргазмалар ва оммавий-маданий тадбирлар ўтказиш анъанага айланган.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими, Нукус Давлат университети ва педагогика институти, "Оролни қутқариш", "Маҳалла", "Нуроний", "Қатағон қурбонлари" хайрия жамғармалари билан ҳамкорликда қизиқарли учрашувлар уюштирилаяпти.

Илм-маърифат даргоҳида олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари талабалари, академик-лицейлар ва мактаб ўқувчилари учун очиқ дарслар, маърузалар, амалий машғулотлар ўтказилаётганлиги ёшларнинг тарихга оид билимларини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Машҳур қомусий олим Абу Райҳон ал-Беруний, шеърият мулкининг султони Алишер Навоий, буюк жаҳонгир Амир Темур, халқ қаҳрамони Эрназар, қорақалпоқ мумтоз шоирлари Бердақ ва Ажиниёз, халқ хўжалигини юксалтиришга меҳнати сингган Оллоёр Дўстназаров, Кўптилеу Нурмуҳаммедов, адабиёт ва санъат арбоблари О.Шомуротова, А.Шомуротов, Ж.Оймирзаев, Қиёс ва Ансатбой Қайратдиновларнинг ҳаётига бағишланган кечалар қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Халқ амалий санъати ва ҳунармандчилигининг бой намуналари, бетакрор гўзаллиги ва бўёқларининг ўзига хос миллий уйғунлиги нафақат маҳаллий аҳоли, хорижий сайёҳларни ҳам мафтун этади. Музей ходимлари орасида қўлигул ҳунармандлар, моҳир дурадгорлар, каштачилар, ёғоч ўймакорлари, рассомлар, ҳайкалтарошлар, мусиқа асбоблари ясайдиган усталар кўпчиликни ташкил этади.

Ўзининг мусиқа асбоблари билан эл-юрт ўртасида танилган Орзибек Хўжаназаровнинг тайёрлаган буюмлари Лондон шаҳрида ўтказилган халқаро кўргазмада юқори баҳоланиб, у ҳақдаги маълумотлар, фотосуратлар интернетнинг махсус сайтига киритилди. А.Сейтимбетовнинг ҳайкалтарошлик ишлари томошабинларнинг эътиборини қозонган.

Каштачилик ҳақиқий санъат асари. Этнография бўлимида В.Байбакова, З.Акимова, М.Аймурзаева каби чеварлар қўлидан чиққан миллий каштачилик намуналари, сувенир сумкачалар, сўзаналар, нимчалар ўзининг чиройлилиги билан кўзни қувонтиради.

Айни пайтда республика ҳудудида 250 га яқин археологик ёдгорликлар бор. Тупроққалъа, Жампиққалъа, Аёзқалъа, Қирққизқалъа, Миздаххон мажмуаси, бошқа кўрғон ва ёдгорликлар инсониятнинг қадимий ёдгорликларидан саналади. Бу жойлардан топилган буюмлар музей экспонатлари қаторидан муносиб ўрин олган.

Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир. Муқаддас даргоҳга қадам ранжида қилган ҳар бир киши нодир экспонатлар билан танишар экан, қорақалпоқ халқининг бой тарихий ўтмишидан хабардор бўлади.

Иззат ҲИКМАТОВ,
"Ишонч" мухбири

Бўш вақт -хуш вақт

ЁТОҚХОНАДА КАСАНАЧИЛИК

Республикамизнинг қайси гўшасига борманг, замонавий коллежларга кўзингиз тушади. Бу эса таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ўз меваси бера бошлаганига ишорадир.

Термиз туманидаги "Халқобод" педагогик-ижтимоий касб-ҳунар коллежи 2001 йилда замон талабига мос равишда қурилиб ишга туширилган эди. Айни пайтда беш йўналиш бўйича 912 нафар талаба таҳсил олмоқда. Ёшларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. 30 дан ортиқ махсус фан кабинетлари компьютер, лингафон каби техник воситалар билан жиҳозланган.

Бундан ташқари, дарс жараёнларига янги педагогик технологияларни жорий этиш ва таълим самарадорлигини янада ошириш мақсадида бешта фан кафедралари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу тузилмани янада такомиллаштириш учун Термиз Давлат университети билан ўзаро ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Бу эзгу ишга 13 нафар профессор-ўқитувчилар жалб қилинган.

— Билим масканимизда Давлат таълим стандартлари талаблари бўйича дарс берилади, - дейди коллеж раҳбари Худойберди Жумаев. — Бунинг учун ёш ўқитувчиларимиз пойтахтимиздаги малака ошириш институтида билим ва тажрибаларини ошириб келишмоқда.

Коллежда маънавий-маърифий ишларга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Байрам ва тарихий саналарга пухта тайёргарлик кўрилади. Қизиқарли кечалар, мусобақалар, билимдонлар беллашувлари тез-тез ўтказиб турилади. Бундай тадбирлар ёшларнинг маънавий дунёқараши кенг, теран фикрлайдиган, баркамол авлод бўлиб улғайишига туртки бўлмоқда.

Кейинги пайтларда талабаларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида ҳуқуқ-тарғибот идоралари ходимлари билан ҳамкорликда "Огоҳликка даъват", "Гиёҳвандлик-аср вабоси", "Сиз қонунни биласизми?", "Виждон эркинлиги", "Ўз уйингни ўзинг асра" мавзуларида давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиш анъанага айланди.

Яна бир гап. 12 та фан ва 10 та спорт тўгараклари мунтазам фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, турли адабиётларга бой кутубхона, катта спорт зали ва 100 ўринли ётоқхона толиби илмлар ихтиёрида.

Дарвоқе, ётоқхонада касаначилик йўлга қўйилган бўлиб, дарсдан кейин 10-15 нафар қизлар зардўзлик ва каштачилик, шунингдек, дўппи тикиш сирларини ўрганишмоқда.

Коллежда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари аллақачон бошлаб юборилган. Гуруҳларга биркитилган ҳолда мевали ва манзарали дарахтлар экилмоқда. Бюджетдан ташқари маблағ топиш мақсадида арча кўчатлари парвариш қилинмоқда. Коллеж ёшларининг саъй-ҳаракати билан Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси атрофида 400 дона манзарали дарахтлар ўтқазилди. Шунингдек, билим маскани яқинидаги 7 гектар ер ўзлаштирилиб, талабалар томонидан мевали боғ барпо этилмоқда.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ,
"Ишонч" мухбири

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ХУСУСИЙ, АММО АРЗОН

Ташландиқ, каровсиз бирор қарич ер кўрсам, ўзимни қўярга жой тополмайман. Шундан бўлса керак, Жиззах шаҳар "Ёшлик" маҳалласи ҳудудидаги ташландиқ жойдан 10 сотих ерни тиклаш ният ҳеч тинчлик бермади. Таклифимни маҳалла фуқаролар йиғини раиси, шаҳар ҳокимлигидагилар ҳам қўллаб-қувватлашди. Ер ажратилиб, 2003 йилнинг 1 июнида шифо масканининг биринчи ғишти қўйилди.

Шаҳарга туташ Қанглидаги ҳамқишлоқларим ҳашарга отланишди. 22 та хонадан иборат ушбу замонавий бино тезда кўзга кўриниб қолди. Ишларимиз жадаллашди. Ўринбой Қўлдошев сингари кўпни кўрган ҳамқишлоқларим барча ишга бош-қош бўлишди.

Орзуимиз ушалиб, саломатлик маскани иш бошлади. Уни "Қанғли — шифо даволаш ташҳис маркази" дея атадик. Олий тоифали шифокор Ражабали Ўроловни бош ҳаким этиб тайинладик. Ички касалликлар бўйича ихтисослашган саломатлик масканида М.Дувлонова, А.Ҳазратқулов, Д.Қодиров, А.Ўролов сингари жами 18 нафар малакали тиббиёт ходимлари меҳнат қилишаяпти.

Хусусий шифо масканимизда даволаниш унчалик қиммат эмас. Ходимларимиз томонидан юқори малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатилади. Доридармонлар сарфи қатъий калькуляция орқали амалга оширилади.

Ҳозирда 16 нафар бемор доимий, 4 нафари эса кундузги ўринларда даволаниш имконияти мавжуд. 12 кунлик даволаниш учун бемор 50 минг сўм атрофида пул тўлайди, холос. Бунга 3 маҳал иссиқ овқат, парҳез таомлар, дори-дармон, клиник, биологик таҳлиллар, мутахассис маслаҳати ва бошқа хизмат ҳақлари ҳам киритилган. Беморлар учун дам олиш хоналари, ҳаммом, телефон тармоғи мунтазам ишлаб турибди.

Ҳозиргача марказда мингдан ортиқ бемор даволаниб чиқди. Ҳар бир беморга кунлик ҳаражат 4 минг сўмга тўғри келаяпти. Эл-юрт саломатлиги йўлида хизмат қилаётганимиздан ғоят мамнунмиз.

Мирзабек ДАВРОНОВ,
Жиззах шаҳридаги "Қангли-шифо" хусусий фирмаси раҳбари, олий тоифали шифокор

РАҚС ФЕСТИВАЛИ

Наманган шаҳрининг Давлатобод даҳасида жойлашган мусиқа мактабида мактаб ўқувчилари ва мактабгача ёшдаги болалар учун «Наманган юлдузлари» рақс фестивали бўлиб ўтди.

Шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан ташкил этилган ушбу рақс байрамида умумтаълим ва мусиқа мактаблари ўқувчилари, болалар боғчалари, Намангандаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг рақс гуруҳлари иштирок этди. Улар ўз истеъдодини икката номинацияда - мумтоз ва замонавий эстрада рақси йўналишлари бўйича намойиш этди.

- Ёш иштирокчиларнинг маҳорати ва истеъдодини баҳолаш учун Наманган санъат коллежининг хореография бўлими ўқитувчиларини таклиф этдик, - дейди шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Элла Вишнякова. - Танлов вилоятда истеъдодли болалар кўплиги ва уларнинг келажаги порлоқлигини кўрсатди. Фестиваль якунларига кўра, «Меҳрибонлик» уйининг «Аҳмадиёр» гуруҳи Наманганнинг энг яхши рақс ансамбли деб топилди. 6-болалар боғчаси, 49-мактаб, Косонсой маданият уйи, 1-мусиқа мактабининг ёш раққосалари, шунингдек, «Камолот» ва «Камалак» эстрада рақс гуруҳлари ҳам совринли ўринларни қўлга киритди.

ЎзА

Наврўзийлик моҳир ҳунарманд, «Ташаббус-2004» республика кўрик -танлови ғолиби Ирина Кудрявцеванинг бетакрор қўғирчоқлари Исроилда бўлиб ўтган ҳайкалтарош рассомлар кўргазмасида намойиш этилди.

ҚЎҒИРЧОҚЛАР НАМОЙИШИ

Ирина яратган қаҳрамонлар унинг мамлакатимиз бўйлаб ижодий сафарлари чоғида дунёга келган. Уларда асосан ўзбек келинларининг сиймоси акс эттирилган.

Ўзбек халқ амалий санъати ва анъаналари асосида яратилган, «Келинлар» деб номланган қўғирчоқлар мажмуи хорижий санъатшунослар, томошабинлар эътиборини тортди.

(ЎзА)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, тармоқ касаба уюшмалари Марказий ва ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари Федерация жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши раиси ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий

Эдуард Вениаминович ПАРСЕГОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади

Ўзбекистон автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши ва Қорақалпоғистон касаба уюшма қўмиталари раислари кенгашининг собиқ раиси

Жўлдасбек БЕРДИМУРАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади

Саломатлик сабоқлари

ЎЗИДАН ҲАМ АСОРАТИ ЁМОН

Грипп - ғоят юқумли ва хавфли хасталик ҳисобланади. Уни келтириб чиқаришда вируслар катта рол ўйнайди. Нафас йўллари ҳужайраларига тушган вирус заррачалари қулай шароитларда бир кеча-кундузда бир неча миллиардгача кўпайиб кетиши кузатилган.

Бунинг оқибатида грипп инсон организмида жиддий асоратлар қолдириб, яхши даволанмаса, қайта қўзғалишига олиб келади. Айниқса, гўдаклар ва кексаларда касалликнинг тузалиши оғир кечади.

Грипп вирусининг А, В ва С серотиплари мавжуд. Касаллик, асосан, беморлан ҳаво томчи йўли орқали соғлом кишига юқади. Бемор гапирганда, аксирганда ёки йўталганда касаллик қўзғатувчиси ташқи муҳитга чиқиб, оғиз бўшлиғи орқали бошқа инсоннинг организмига ўтади. Унинг яширин даври 12 соатдан 3 кунгача чўзилади. Хасталик юзага чиққанда эса жуда ўткир тус олади. Қаттиқ бош оғриши, айниқса, пешона ва кўз усти соққаларида оғриқ пайдо бўлиши, бош айланиши, мадорсизлик сезилади. Касалликнинг дастлабки соатларида тана увишиши ва ҳароратнинг 38,5-40 даражага кўтарилиши кузатилиб, йўтал ҳамда тумов каби белгилар пайдо бўлади.

Ҳозирги пайтда қўшни ва чет мамлакатларда грипп эпидемияси вужудга келганлиги аниқланган. Бу эса унинг юртимизга кириб келиш хавфини кучайтиради. Шундай экан, аҳоли ўртасида хасталик кенг тарқалишининг олдини олиш, унга қарши жидий курашиш лозим бўлади. Бойси, киши соғлиғига етказилган зарар туфайли нафақат унинг ўзи, балки мамлакат иқтисодиёти катта зиён кўради.

Грипп ва бошқа ўткир респиратор вирусли инфекцияларга чалинмаслик учун, энг аввало, ҳар бир одам ўз соғлиғига эътиборли бўлиши даркор. Бунинг учун, биринчи навбатда, уйда ва ишхонада ҳавони тез-тез алмаштириб туриш, исириқ тутатиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, танани совқотишдан сақлаш, айниқса, оёқни иссиқ тутиш лозим. Бемор билан узоқроқ туриб сўзлашиш, оғиз ва бурунни дастрўмол ёки махсус ниқоб билан беркитиш касаллик юқишининг олдини олади. С витаминига бой озиқ-овқатларни кўпроқ истеъмол қилиш ҳам гриппга чалинишдан асровчи омиллардан бири ҳисобланади. Касаллик аломатлари сезилган заҳоти эса дарҳол шифокорга учрашиш зарур. Грипп билан оғриган болаларни боғча ёки мактабга юбормай, тезкор даволаш чораларини қўллаш шарт.

Рустам АБДУЛЛАЕВ,
Яккасарой туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бўлим мудири

ЁШ ПОЛВОНЛАР ГИЛАМДА

Пойтахтимиздаги Республика олимпия захиралари коллежида эркин кураш бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчилиги якунланди.

Республика олимпия захиралари коллежида таҳсил олаётган спортчилар саккиз вазн тоифаси бўйича финалга чиқди. Коллеж тарбияланувчиларидан етти нафари - Азиз Баҳромов, Анвар Дадажонов, Мансур Фармонов, Абдурауф Бозорбоев, Рустам Раҳимов, Неъмат Ешетаев ва Асрор Эшимов сўнгги учрашувларни ҳам ўз фойдасига ҳал қилиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Яна бир олтин медаль самарқандлик Соҳиб Маҳмудовга насиб қилди.

Қизлар ўртасидаги беллашувларда ҳам Республика олимпия захиралари коллежи ўқувчилари Дилобар Султонова, Юлдуз Собирова, Нуржамол Соғбоева, Матлуба Гуранова ва етадигани топилмади.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 18855 Буюртма Г— 514

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.15

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.